

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

407 «Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акция-дорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2263-1*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрдаги

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

322-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2013 йил 11 июндаги 165-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 11 августдаги 51, 01/12-18/05-сон «Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2263, 2011 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 384-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 27 июль,
71-сон

**Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

Д. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 27 июль,
01/09-26/19-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республика-
сининг Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2015 йил 27 июлдаги
71, 01/09-26/19-сон қарорига
ИЛОВА

«Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ–3202-сон «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2007 йил 20 июлдаги ПФ–3897-сон «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ–4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2007 йил 24 июлдаги 151-сон «Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги, 2012 йил 14 ноябрдаги 322-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2013 йил 11 июндаги 165-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ–3202-сон

«Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2007 йил 20 июлдаги ПФ-3897-сон «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2007 йил 24 июлдаги 151-сон «Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги, 2012 йил 14 ноябрдаги 322-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2013 йил 11 июндаги 165-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ давлат улушини бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлатнинг иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш фаолияти бўйича ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.»;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағларнинг» деган сўзлар «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси умумий маблағларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Ишончли бошқарувчиларга хизмат ҳақи Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бош бошқармасининг Тошкент шаҳридаги Ҳисоб-қасса марказида хизмат ҳақини тўлаш учун очилган алоҳида субсчётидан амалга оширилади.»;

г) 5-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» деган сўзлар «Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 6 — 10-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Марказ ишончли бошқарувчилар ва давлат вакилларига хизмат ҳақи тўловлари сметаси бўйича ҳисоб-китобларни 1 июлдан кечиктирмай келгуси йил давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун Молия вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этади.

7. Ишончли бошқарувчилар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлашти-

риш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади) томонидан тасдиқланган шакл ва муддатларда давлат улушларини бошқариш фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни Марказга топширади.

Давлат вакили бир пайтда давлат улушларининг ишончли бошқарувчи ваколатларини бажарган тақдирда, ушбу ваколатлар ижроси тўғрисидаги алоҳида ҳисоботларни Давлат рақобат қўмитаси тасдиқлаган шакл ва муддатларда Марказга топширади.

8. Топширилган ҳисоботлар таҳлили асосида Марказ ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг вакиллари хизмат ҳақи тўловлари бўйича сметани тўлаш манбаларини кўрсатган ҳолда тайёрлайди ва ҳисобот давридан кейинги иккинчи ойнинг 20-санасигача Молия вазирлигига тақдим этади.

Бунда, ҳисобот йилининг тўртинчи чораги бўйича ишончли бошқарувчилар хизмат ҳақи тўловлари сметаси улар томонидан белгиланган тартибда Марказга топширилган йиллик ҳисоботлар асосида тайёрланади ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача Молия вазирлигига тақдим этилади.

Сметага фақат ҳисобот даври учун ишончли бошқарувчилар ва давлат вакиллари хизмат ҳақи тўловлари киритилади, мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тегишли ҳисобот даври учун тақдим этилган сметага киритилмаган ишончли бошқарувчилар ва давлат вакиллари хизмат ҳақлари Марказ ва Молия вазирлиги томонидан амалга оширилмайди, мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хизмат ҳақи тўловлари сметасининг ишончилиги ва тўғри тузилиши учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

9. Тақдим этилган смета асосида Молия вазирлиги 10 иш куни ичида ишончли бошқарувчилар хизмати ҳақлари тўлаш учун сметага киритилган хўжалик жамиятларидан давлат улуши бўйича тушган дивидендлар ҳисобидан Марказ субсчётига маблағларни ўтказиши.

Марказ давлат улушларини бошқариш чораклик хизмат ҳақларини тўловини куйидагича амалга оширади:

давлат улушлари бўйича бюджетга тўланган дивидендларнинг қисми ҳисобига Молия вазирлиги томонидан ўтказилган маблағлар ҳисобидан Марказ субсчётига тегишли маблағлар келиб тушган пайтдан бошлаб 10 банк иш куни ичида;

Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси умумий маблағлари ҳисобидан Марказ субсчётига тегишли маблағлар келиб тушган пайтдан бошлаб 10 банк иш куни ичида, агар:

хизматлар ҳақини тўлашда давлат улуши бўйича дивидендлар етарли бўлмаса;

давлат улуши бўйича дивидендлар Ўзбекистон Республикаси Президентини ўқиб ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида кўрсатилган бошқа мақсадларга йўналтирилганда;

акциядорлик жамияти умумий йиғилиши (иштирокчилар йиғилиши) томонидан дивидендларни корхонани реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтириш бўйича қарор қабул қилинганда;

хисобот даврида ҳақиқатда жамият томонидан дивидендлар тўланмаганда;

акциядорлик жамияти томонидан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 54-моддасига мувофиқ чекловлар сабабли дивидендлар тўлашнинг имконияти бўлмаганда;

масъулияти чекланган жамият томонидан «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига мувофиқ чекловлар сабабли фойдани тақсимлашнинг имконияти бўлмаганда.

Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси умумий маблағлари ҳисобидан тўланиши лозим бўлган тегишли маблағлар Давлат рақобат қўмитаси томонидан хизматлар ҳақини тўлаш учун Марказнинг субсчётига ўтказилади.

10. Хизмат ҳақи тўловлари Марказ субсчётига ўтказилгандан кейин Марказ бу ҳақда, шунингдек шахсий ҳисобварақлари ёки ҳисоб-китоб варақлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш ҳақида (тўлов биринчи марта амалга оширилаётган бўлса) ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг вакиллари ёзма равишда хабардор қилади.

Ишончли бошқарувчилар ва давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини тўлаш Марказ томонидан уларнинг банкдаги шахсий ҳисобварақлари ёки ҳисоб-китоб варақларига тегишли маблағларни ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади.»;

е) 11-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хизмат ҳақини тўлаш учун назарда тутилган, Марказ субсчётида 90 кундан ортиқ туриб қолган, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг вакиллари томонидан талаб қилинмаган ҳамда Марказга тегишли ҳужжатларни тақдим этмаганликлари сабабли уларнинг шахсий ҳисобварақлари ёки ҳисоб-китоб варақларига ўтказилмаган пул маблағлари Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасига қайтарилади.»;

иккинчи хатбошидаги «хизмат ҳақини ва мукофот тўловларини» деган сўзлар «хизмат ҳақи тўловларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 15-банднинг биринчи хатбошисидан «ва йил якуни бўйича мукофот» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

з) 17-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

и) 20-банддаги «Давлат мулки қўмитасига» деган сўзлар «Марказга» деган сўз билан алмаштирилсин;

к) 21-банднинг биринчи хатбошисидagi «хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағлар» деган сўзлар «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси умумий маблағлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.